

**ПРОФИЛАКТИК СКРИНИНГ ХИЗМАТЛАРИНИ АВТОМАТЛАШТИРИШ ОРҚАЛИ
ТИББИЁТ МУАССАСАЛАРИДА САМАРАДОРЛИКНИ ОШИРИШ**



Жиянбаев Отабек Эшдавлатович¹, Насимов Рашид Ҳамид ўғли²,
Абдуллаев Иброҳимжон Нигматилла ўғли¹

1 - Тиббиет ходимларининг касбий малакасини ошириш маркази,
Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш.;

2 - Тошкент давлат иқтисодиёт университети, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш.

**АВТОМАТИЗАЦИЯ ПРОФИЛАКТИЧЕСКИХ СКРИНИНГОВЫХ УСЛУГ ДЛЯ ПОВЫШЕНИЯ
ЭФФЕКТИВНОСТИ МЕДИЦИНСКИХ УЧРЕЖДЕНИЙ**

Жиянбаев Отабек Эшдавлатович¹, Насимов Рашид Ҳамид угли²,
Абдуллаев Иброҳимжон Нигматилла угли¹

1 - Центр развития профессиональной квалификации медицинских работников,
Республика Узбекистан, г. Ташкент;

2 - Ташкентский государственный экономический университет, Республика Узбекистан, г. Ташкент

**AUTOMATION OF PREVENTIVE SCREENING SERVICES TO IMPROVE THE EFFICIENCY OF
MEDICAL INSTITUTIONS**

Jiyanbaev Otabek Eshdavlatovich¹, Nasimov Rashid Hamid ugli², Abdullaev Ibrokhimjon Nigmatilla ugli¹

1 - Center for the Development of Professional Qualifications of Medical Workers,
Republic of Uzbekistan, Tashkent;

2 - Tashkent State University of Economics, Republic of Uzbekistan, Tashkent

e-mail: info@tipme.uz

Резюме. Уибду мақолада профилактик скрининг хизматларини автоматлаштириши орқали тиббиёт муассасаларида хизмат кўрсатилиши самарадорлигини ошириши масалалари ёритилган. Скрининг тадбирлари аҳоли саломатлигини эрта баҳолаш ва хавф омилларини аниqlашда мухим аҳамият касб этади. Бироқ, мавжуд тизимда инсон ресурслари чекланганлиги, маълумотлар таҳлилиниң қўлда бажарилиши ва ташкилий кечикишлар туфайли скрининг самарадорлиги наст бўлиши мумкин. Мақолада рақамли технологиялар, сунъий интеллект, электрон соглиқни сақлаши тизимлари ва автоматлаштирилган алгоритмлар орқали бу муаммоларни ҳал этиши ўйлари таклиф этилади. Тадқиқот натижалари шуну кўрсатдики, автоматлаштирилган профилактик скрининг тизимлари орқали нафақат ташхис аниqlиги ошади, балки шифокорларнинг иш юклами камаяди, хизмат кўрсатилиши тезлашади ва ресурслардан самарали фойдаланилади.

Калим сўзлар: профилактик скрининг, автоматлаштириши, тиббиёт муассасаси, сунъий интеллект, рақамли соглиқни сақлаши, диагностика, самарадорлик.

Abstract. This article explores the potential of automating preventive screening services to improve the operational efficiency of medical institutions. Screening plays a vital role in the early detection of diseases and risk factors in the population. However, challenges such as limited human resources, manual data processing, and organizational delays can reduce the effectiveness of current screening programs. The paper proposes the integration of digital technologies, artificial intelligence, and electronic health systems to streamline and enhance the screening process. Study findings indicate that automated screening systems can increase diagnostic accuracy, reduce the workload on healthcare professionals, accelerate service delivery, and optimize resource utilization.

Keywords: preventive screening, automation, medical institution, artificial intelligence, digital health, diagnostics, efficiency.

Кириш. Замонавий тиббиёт тизимида қасалликларнинг эрта босқичда аниqlаниши ва профилактик чора-тадбирларнинг ўз вақтида

кўрилиши аҳолининг саломатлигини сақлашда ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Айниқса, сурункали юқумсиз қасалликлар - юрак-қон томир,

қандли диабет, онкологик ва метаболик синдромларнинг эрта босқичда аниқланиши, уларнинг оғир оқибатларини камайтириш ва тиббий ёрдам харажатларини оптималлаштиришда профилактик скрининг хизматларининг ўрни бекиёсdir. Скрининг дастурлари - бу соғлом кўринаётган, аммо хавф остида бўлган ахолининг маълум гурухларини тизимли ва режалаштирилган тарзда тиббий кўриқдан ўтказиш орқали касалликни эрта аниқлашга қаратилган амалийотdir [1-6]. Бу жараён замонавий соғлиқни сақлаш тизимининг ажralmas қисми сифатида тобора кенгайиб бормоқда. Буларнинг барчаси тиббиёт муассасаларининг вақт, маблағ ва инсон ресурсларини ортиқча сарфланишига олиб келади. Шундай шароитда тиббий хизматларнинг рақамлаштирилиши ва автоматлаштирилиши ушбу муаммоларга ечим бўла олади [7-8].

Автоматлаштириш - бу инсон иштирокисиз маълум жараёнларнинг дастурий таъминот ёки техник воситалар орқали амалга оширилиши ҳисобланади. Тиббиёт тизимида бу тушунча бемор маълумотларини йигиш, сақлаш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш ва карор қабул қилиш босқичларининг компьютерлаштирилган тизимлар ёрдамида бажарилишини англатади [9-12]. Профилактик скрининг жараёнларининг автоматлаштирилиши эса бу хизматларни аниқроқ, тезроқ, кам хатолик билан ва энг асосийси индивидуал ёндашув асосида амалга ошириш имконини беради. Dmed - бу Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигини рақамлаштириш учун ишлаб чиқилган ягона тиббий тизимdir. Бунда сунъий интеллект, машинавий ўрганиш, электрон соғлиқни сақлаш, мобил соғлиқни сақлаш ва IoT технологиялари кенг кўлланилмоқда [13].

Профилактик скрининг хизматларини автоматлаштиришда сунъий интеллект (СИ) технологиялари муҳим ўрин тутади. СИ ёрдамида йиғилган маълумотлар асосида хавф гурухлари аниқланади, ташхис эҳтимоллари баҳоланади, шахсий профилактик тавсиялар ишлаб чиқилади ва ҳатто bemorларга тиббий маслаҳатлар автоматик тарзда таклиф қилинади. Бу эса ресурслардан самарали фойдаланиш, шифокорлар иш юкламини камайтириш, инсоний хатоликларни минималлаштириш ва хизмат кўрсатиш тезлигини ошириш имконини яратади. Шунингдек, автоматлаштириш орқали соғлиқни сақлаш муассасалари ўз фаолиятини тизимли тарзда режалаштира олади. Масалан, электрон жадвал асосида скринингга жалб килиниши лозим бўлган фуқаролар автоматик тарзда танланади, улар билан алоқа ўрнатилади, тиббий кўриқка чакирав юборилади ва кўриқдан ўтгандан сўнг натижалар электрон тизимга киритилади [14]. Ушбу босқичларнинг барчаси ягона ахборот майдонида олиб борилиши

ҳисобига аниқлик, шаффоғлик ва оперативлик таъминланади.

Автоматлаштирилган скрининг платформаларининг жорий этилиши, шунингдек, соғлиқни сақлаш тизимидағи эпидемиологик мониторинг сифатини оширишда ҳам муҳим роль ўйнайди. Ахолининг соғлиги бўйича реал вақт режимида маълумотлар тўпланади, статистик таҳлиллар ўтказилади ва хавфли тенденциялар аниқланади. Бу эса давлат соғлиқни сақлаш сиёсатини шакллантиришда муҳим аналитик восита бўлиб хизмат қилади [15]. Автоматлаштирилган тизимлар профилактик тиббий хизматларнинг регионал, демографик, касбий ёки ёш тоифалари бўйича қамраб олиш кўрсаткичларини назорат қилишга ҳам имконият беради.

Айни пайтда дунёнинг кўплаб ривожланган мамлакатларида профилактик хизматлар автоматлаштирилмоқда. Масалан, АҚШ, Канада, Германия, Жанубий Корея ва Япония каби мамлакатларда аёллар саломатлиги, юрак-кон томир касалликлари, диабет ва саратон каби юқумсиз касалликлар бўйича скрининг дастурлари маҳсус дастурий таъминот ва алгоритмлар асосида олиб борилади. Шу муносабат билан, ушбу мақолада профилактик скрининг хизматларини автоматлаштиришнинг технологик асослари, методик ёндашувлари, амалий самарадорлик кўрсаткичлари ва мавжуд муаммолар таҳлил қилинади. Автоматлаштиришнинг тиббиёт муассасаларида қандай афзалликларга эга экани, шунингдек, соғлиқни сақлаш тизими самарадорлигини қандай ошириши ҳақида илмий асосланган хуносалар келтирилади [16-18].

Бундан ташқари, мақолада скринингнинг ҳар бир босқичи учун автоматлаштирилган компонентлар: рўйхатга олиш, режалаштириш, таҳлил қилиш, хавф гурухини аниқлаш, натижаларни сақлаш ва ҳисобот яратиш модуллари, уларнинг ўзаро интеграцияси ва хизмат кўрсатиш жараёнидаги синергик таъсири ҳақида амалий тавсиялар берилади. Профилактик тиббий хизматлар самарадорлигини оширишда автоматлаштирилган тизимлар асосида бошқарув қарорларини қабул қилиш, ходимлар ишини мувофиқлаштириш ва тиббий хизматлар сифатини ошириш механизмлари кўриб чиқилади.

Тадқиқотнинг мақсади. Тиббий муассасаларда профилактик скрининг хизматларини автоматлаштириш орқали соғлиқни сақлаш тизимининг умумий самарадорлигини ошириш, хизмат сифати ва тезлигини яхшилаш, bemorларни қамраб олиш кўламини кенгайтириш ва маълумотлар асосида қарор қабул қилишни жадаллаштиришдан иборат. Натижалар эса соғлиқни сақлаш тизимида инновацион бошқарув механизмларини жорий этиш ва илғор технологиялар-

ни амалиётта татбиқ этиш учун мустаҳкам назарий ва амалий асос бўлиб хизмат қиласи.

Услублар ва натижалар. Мазкур тадқиқотда профилактик скрининг хизматларини автоматлаштириш орқали тиббиёт муассасаларининг самарадорлигини ошириш имкониятлари ўрганилди. Скрининг тизимларининг таҳлили асосида автоматлаштириш технологияларини жорий этиш самарадорлигини аниқлаш, хизмат сифати ва ресурслардан фойдаланиш даражасига таъсирини баҳолашдан иборат бўлди. Шу мақсадда тизимли ёндашув асосида кузатув, таққослаш, сонли таҳлил, эксперт интервьюлари ва тажриба асосида амалий баҳолаш усуллари кўпланилди.

Тадқиқот уч босқичда олиб борилди. Биринчи босқичда Ўзбекистон худудидаги бир нечта тиббиёт муассасаларида мавжуд скрининг жараёнлари, уларнинг ташкилий тузилмаси, маълумотлар оқими ва иш юклами ўрганилди. Бунда уч хил турдаги муассасалар танлаб олинди: автоматлаштирилган тизим жорий этилган, қисман рақамлаштирилган ва бутунлай анъанавий усулда ишловчи марказлар. Иккинчи босқичда скрининг жараёнини автоматлаштириш учун маҳсус экспериментал модель ишлаб чиқилди. Учинчи босқичда ушбу модель реал шароитда синовдан ўтказилди ва натижалар статистик таҳлил асосида баҳоланди [19].

Ишлаб чиқилган автоматлаштирилган тизим бир нечта асосий компонентлардан иборат бўлди: рўйхатга олиш модули, хабарнома юбориш модули, маълумотлар киритиш ва таҳлил қилиш модули, хавф гурухини аниқлаш алгоритми ва якуний таҳлил ҳисоботлари. Тизим фойдаланувчилар учун қулай интерфейсга эга бўлиб, бемор маълумотларини киритиш, уларни автоматик тарзда скрининг рўйхатига қўшиш ва чакирув юбориш каби вазифаларни автоматик бажарди. Шунингдек, тизим ичida лаборатория натижаларини бирлаштириш, тиббий кўрик хulosаларини тўплаш ва реал вақт режимида статистик кўрсаткичларни ҳисоблаш имконияти мавжуд эди [20].

Синов босқичида автоматлаштирилган тизим бир тиббий марказда жорий этилди ва у ерда 6 ой давомида 1000 нафар фуқаро скринингдан ўтказилди. Шу билан бир вақтда, бошқа икки муассасада - бири қисман рақамлаштирилган ва бошқаси анъанавий - аналогик тарзда 1000 нафардан bemorлар кузатилди. Уларнинг ҳар бирида скринингга чақирув, текширув муддати, натижаларни киритиш ва таҳлил қилишга кетган вақт, аниқланган касалликлар сони, ходимлар иш юклами ва bemorларнинг қоникиш даражаси каби кўрсаткичлар алоҳида қайд этилди.

Автоматлаштирилган тизим жорий қилинган муассасада чакирувдан текширувгacha

ўтган ўртача муддат 3,8 кунни ташкил этди. Бу кўрсаткич қисман рақамлаштирилган муассасада 8,1 кун, анъанавий тизимда эса 12,6 кунни ташкил этди. Беморлар билан тезкор алоқа ўрнатилиши, электрон чакирув тизимининг мавжудлиги ва автоматик режалаштириш ушбу фарқнинг асосий сабаблари бўлди. Скрининг натижаларининг тизимга киритилиши ва уларни таҳлил қилиш учун автоматлаштирилган тизимда ўртача 1 иш кунидан кам вақт кетди. Анъанавий тизимда эса бу жараён 3–5 иш кунигача чўзилди. Бу фарқ, бир томондан, тиббий ходимларнинг бандлигини камайтиришга, иккинчи томондан эса, bemorларга тезкор хизмат кўрсатишга ижобий таъсир кўрсатди. Айниқса, хавф гурухига киравчи bemorлар ҳолатида кечикмасдан ташхис қўйиш имконияти яратилди [21-22].

Статистик таҳлил натижаларига кўра, автоматлаштирилган тизим ёрдамида янги аниқланган касалликлар сони 16 фоизга кўтарилиган. Шу билан бирга, нотўғри ёки яrim тўлиқ киритилган маълумотлар сони 82% га камайган. Бу эса маълумотлар сифатини оширишда автоматлаштирилган тизимларнинг афзаллигини кўрсатади. Ходимларнинг иш юклами ҳам сезиларли даражада камайди. Врачлар томонидан қўлда тўлдириладиган ҳужжатлар сони 70% га қисқарди. Шу сабабли уларнинг иш вақти bemor билан бевосита ишлашга йўналтирилди. Бу ҳолат хизмат кўрсатиш сифати ошишига олиб келди.

Тиббий кўрикдан ўтган bemorлар билан ўтказилган аноним сўровномаларда автоматлаштирилган тизим жорий этилган муассасада қоникиш даражаси 91% ни ташкил этди. Бу кўрсаткич бошқа муассасаларда мос равишда 75% ва 63% бўлди. Автоматлаштирилган скрининг моделининг яна бир ижобий жиҳати - реал вақт режимида статистик ҳисоботлар олиш имконияти бўлди. Muassasa раҳбарияти кунлик, ҳафталик ва ойлик таҳлилларни тўғридан-тўғри платформадан юклаб олиш орқали бошқарув қарорларини тезроқ қабул қилди. Ҳисоботларда bemorлар оқими, касалликлар харитаси, демографик тақсимот, хавф омилларининг тарқалиши каби кўрсаткичлар аник визуал шаклда тақдим этилди.

Автоматлаштирилган профилактик скрининг тизимининг синов натижалари унинг клиник амалиётда жорий этилиши тиббий хизмат сифати оширишда, вақт ва ресурслардан самарали фойдаланишда ва қарор қабул қилиш жараёнини тезлаштиришда муҳим омил бўлишини кўрсатди. Бу тизим профилактик хизматларни нафакат марказий шаҳарларда, балки узоқ туманларда ҳам самарали олиб бориш имкониятини беради.

Хулоса. Мазкур тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, профилактик скрининг хизматларини автоматлаштириш замонавий тиббиёт муассасаларининг самарадорлигини оширишда муҳим

омил ҳисобланади. Автоматлаштирилган тизимлар скрининг жараёнларининг аниқлиги, тезлиги ва узлуксизлигини таъминлаб, инсон омилига боғлиқ хатоликларни камайтиради. Таххилилар натижасида аниқланишича, автоматлаштирилган скрининг воситаларини жорий этган муассасаларда касалликларни эрта аниқлаш кўрсаткичи 25–30% га ортиб, беморлар оқими ва маълумотлар базаси билан ишлаш самарадорлиги эса 40% гача яхшилаш мумкинлиги аниқланган. Автоматлаштириш нафақат техник жараёнларни соддалаштириди, балки ресурслардан самарали фойдаланиш, тиббиёт ходимларининг меҳнат унумдорлигини ошириш ва bemорларга кўрсатилаётган хизмат сифатини яхшилашга ҳам хизмат қилди. Шу билан бирга, электрон тиббий карталар, автоматик чақириқ тизимлари, скрининг алгоритмларининг интеграцияси орқали маълумотлар оқими марказлаштирилиб, қарор қабул қилиш тезлаштирилди.

Тадқиқот давомида аниқланган муҳим жиҳатлардан бири – автоматлаштиришнинг самарадорлиги фақат техник воситаларга эмас, балки уларни тўғри лойиҳалаш, маълумотлар хавфсизлигини таъминлаш, ходимларни ўқитиш ва bemорларни маълумотлантириш каби омилларга ҳам боғлиқдир.

Адабиётлар:

1. Никитина А.С., Пак А.В. Инновационные подходы в реализации скрининговых программ. // Медицинская техника. – 2023. – №2. – С. 22–28.
2. WHO/ITU. Digital Health Platform Handbook: Building a Digital Information Infrastructure (2020). Geneva, 2020. – 86 p.
3. United Nations Development Programme (UNDP). AI and Digital Health: The Future of Preventive Care. – New York, 2023. – 49 p.
4. Jahan S., Lee H.Y., Park S.Y. Improving preventive services through automated systems: evidence from low-resource settings. // International Journal of Medical Informatics. – 2022. – Vol. 165. – P. 104820.
5. World Health Organization (WHO). Screening programmes: a short guide. WHO Regional Office for Europe, 2020. – 66 p.
6. Mirametov A.B., Abdullayev I.N., Nazirov R.M., Tashev B.J. Application of Artificial Intelligence in ECG Analysis: Problems and Their Solutions in Healthcare // Science and Innovation, Vol. 3, Issue 3. – March 2024. – P. 110–115.
7. Abdullayev I.N., Shakarov F.Q., Umarova D.A. Kardioskleroz prognostik modelini yaratishda machine learning va deep learning usullarining qiyosiy tahlili // Fan, Jamiyat va Innovatsiyalar. – 2025. – Т. 2. – №19. – Б. 22–24.
8. Jivanbayev O.E., Abdullayev I.N. Methods for Improving the System of Servicing Medical Equipment // Science and Innovation. – 2025. – Vol. 4. – Issue 2. – P. 83–85.
9. Abdullayev I.N., Karabayeva L.X., Yusupova N.S. Miokard kardiosklerozi tashxisida sun'iy neyron tarmoqlarining qo'llanilishi: zamonaviy yondashuvlar // ScienceResearch.com. – 2025. – В. 103–105.
10. Jivanbayev O.E., Abdullayev I.N. Strategies for Manufacturing Medical Equipment that Meets International Standards // Science and Innovation. – 2025. – Vol. 4. – Issue 2. – P. 78–80.
11. Abdullayev I.N., Tashev B.J., Mirametov A.B. Sun'iy intellekt yordamida yurak kasalliklarini prognozlash modellari ishonchhligi // Fan, Jamiyat va Innovatsiyalar. – 2025. – Т. 2. – №19. – Б. 16–17.
12. Abdullayev I.N., Yusupova N.S., Tashev B.J. Modern Echocardiographic Methods for Detection of Cardiac Dyssynchrony // Science and Education. – 2025. – Vol. 6. – Issue 2. – P. 75–77.
13. Jivanbayev O.E., Abdullayev I.N. Effective Resource Management in Medical Facilities Through Artificial Intelligence // International Journal of Medical Sciences and Clinical Research. – 2024. – Vol. 4. – Issue 7. – P. 39–43.
14. Magrupov T.M., Nazirov R.M., Abdullayev I.N. Formation of a Database of Lung Disease Sound Signals // Science and Innovation. – 2024. – Vol. 3. – Issue 9. – P. 90–92.
15. Abdullayev I.N., Yunusxo'jayeva M.Z., Elmurotova D.B. Medical Computers for Measuring Glucose and Blood Gas Levels in the Human Body // International Journal of Studies in Natural and Medical Sciences. – 2023. – Vol. 2. – Issue 5. – P. 121–123.
16. Nematov Sh.Q., Kamolova Y.M., Abdullayev I.N. Modern Algorithmic Methods for the Analysis of Speech Disorders After a Stroke // Science and Education. – 2023. – Vol. 4. – Issue 6. – P. 452–453.
17. Dar SU, Yurt M, Karacan L, et al. Image synthesis in multi-contrast MRI with conditional generative adversarial networks. IEEE transactions on medical imaging, 2019; 38(10): 2375–2388.
18. Sudre CH, Li W, Vercauteren T, et al. Generalised Dice overlap as a deep learning loss function for highly unbalanced segmentations. Deep Learning in Medical Image Analysis and Multimodal Learning for Clinical Decision Support, 2017: 240–248.
19. Jivanbayev , O., & Abdullayev , I. (2025). Tibbiyot muassasalarida tibbiy jihozlarni profilaktik texnik xizmat ko'rsatish tizimini takomillashtirish. Universal Xalqaro Ilmiy Jurnal, 2(4.5), 430–432. Retrieved from <https://inlibrary.uz/index.php/universaljurnal/article/view/111647>
20. Isensee F, Jaeger PF, Kohl SAA, et al. nnU-Net: a self-configuring method for deep learning-based biomedical image segmentation. Nature Methods, 2021; 18: 203–211.

21.Ronneberger O, Fischer P, Brox T. U-Net: Convolutional networks for biomedical image segmentation. Medical Image Computing and Computer-Assisted Intervention (MICCAI), 2015: 234–241.

22.Bai W, Sinclair M, Tarroni G, et al. Automated cardiovascular magnetic resonance image analysis with fully convolutional networks. Journal of Cardiovascular Magnetic Resonance, 2018; 20(1): 65.

АВТОМАТИЗАЦИЯ ПРОФИЛАКТИЧЕСКИХ СКРИНИНГОВЫХ УСЛУГ ДЛЯ ПОВЫШЕНИЯ ЭФФЕКТИВНОСТИ МЕДИЦИНСКИХ УЧРЕЖДЕНИЙ

Жиянбаев О.Э., Насимов Р.Х., Абдуллаев И.Н.

Резюме. В статье рассматриваются вопросы повышения эффективности медицинских учреждений

за счёт автоматизации профилактических скрининговых услуг. Скрининг играет ключевую роль в раннем выявлении заболеваний и факторов риска среди населения. Однако ручной сбор и анализ данных, ограниченные человеческие ресурсы и организационные задержки могут снижать эффективность таких программ. В работе предложены подходы с использованием цифровых технологий, искусственного интеллекта и электронных систем здравоохранения для оптимизации скринингового процесса. Результаты исследования показали, что автоматизация позволяет не только повысить точность диагностики, но и снизить нагрузку на врачей, ускорить оказание услуг и рационализировать использование ресурсов.

Ключевые слова: профилактический скрининг, автоматизация, медицинское учреждение, искусственный интеллект, цифровое здравоохранение, диагностика, эффективность